



Хар бир халқнинг ўз келиб чиқиш ва ривожланиш тарихи бор. Ўзбек халқининг ҳам узок ва воқелиқларга бой тарихи мавжуд бўлиб, у халқ бўлиб шакллангунга қадар узок ва мураккаб этник жараёнларни бошидан кечирди. Умуман олганда, ҳозирги кунда халқларнинг келиб чиқиши-этногенезига эътибор айниса қучайганки, бу ҳолат миллатлар ичида ўз-ўзини англаш жараёнининг ўсганлиги, ўз тарихи, ўтмишига қизиқишнинг ошганлиги, янги мустикал давлатлар пайдо бўлиши билан ўз ифодасини топади.

Мустикаллик шарофати ила ўтмишимиз, тарихимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Тарихимизни, бой ўтмишимизни илмий, ҳолисона тарзда баён қилиш замон талабига айланди. Президентимиз Ислоҳ Қаримовнинг 1998 йил июн ойида бир гуруҳ олимлар билан ўтказган учрашувида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фао-лиятини такомиллаштириш тўғрисидаги» 1998 йил 27 июл қарорида ва Президентимизнинг тарихий ўтмишимизни ўрганиш муаммоларига бағишланган «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида ҳамда сўнги пайтлардаги кўпгина чиқишларида ўзбек халқининг тарихини илмий, ҳаққоний тарзда баён қилиш, тарихий тадқиқотларга кенг қўламда йўл очиб бериш, маданият меросимизни асраб-авайлаш, миллий мафкура гоёларини ривожлантириб тарғиб этиш ва бошқа кўплаб муаммоларни ҳал этиш масалалари кўриб чиқилди.

Президентимиз жумладан шундай деган эди: «Тарихий хотираси бор инсон-иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир. Қим бўлишидан қатъий назар, жамиятнинг хар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, хар хил ақидалар таъсирига тортиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди». Дарҳақиқат, жамият таракқиётида тарихнинг ўрни ва роли ниҳоятда қатта бўлиб, бу жараённинг ҳозирги кунда давлатимиз маънавий ҳаётида тутган ўрни беқиёсдир.

Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи ҳозирги кунда тарихимизда қам ёритилган ва илмий асосда тамомила янғитдан кўриб чиқишга мансуб бўлган масалалардан би-ридир. Президентимиз таъқидлаганидек, «биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихни тағ-томиригача назар ташлаймиз». Дарҳақиқат, уч минг йилликдан зиёд давлатчилик тарихига эга бўлган халқимизнинг илдизлари асрлар қаърига бориб такалади.

Маълумки, «Ўзбекистон қадимги тарихининг жуда қатта даври ёзма манбаларсиз, археология ва антропологияга оид манбаларга таянган ҳолда ўрганилади. Қадимги Шарқ ёзма манбаларидан (Ҳинд, Оссурия ва Эрон) маълумки, мил. авв. II минг йил-ликнинг ўрталари ва охирилари (бронза даври)-Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон тарихи-хинд-эрон қабилалари ёйилиши билан боғлиқ бўлган. Ҳинд-эрон қабилалари

дастлаб жуда кенг ҳудудларда — Волга, Урал ва Жанубий Сибир оралигидаги ерларда яшаганлар».

Тадкикотчи Т.Ходжайов фикрига кўра, бронза даврига келиб, Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларида баланд бўйли, боши чўзинчок, юзи тор иркнинг вакиллари тарқалган. Шимолий дашт ва чўл ҳудудларида эса, жануб аҳолисидан фарқ қилган боши думалок, юзи жуда кенг ва чўзик бўлмаган кабилалар яшаган. Фанда жанубий киёфали одамлар Ўрта Ер денгизи иркининг вакиллари деб аталади. Улар Олд Осиё, Месопотамия, Эрон, Афғонистон, Ўрта Осиё, Хиндистон каби катта географик ҳудудга ёйилганлар. Шимолий киёфали одамлар Жанубий Сибир ҳудудидан то Козогистон, Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий қисмида Урал, Волга бўйи ерларигача тарқалган.

А. Сагдуллаев тадқиқотларига кўра, бронза даврига келиб, Ўрта Осиё ҳудудида қадимги жанубий ва шимолий киёфадаги одамлар вакилларининг кўшилиш жараёни бошланади ҳамда айнан мана шу даврга келиб, ўлкамизда яшаб ўтган бронза даври кабилалари Ўрта Осиёнинг қадимги халқларига асос солганлар. Тадқиқотлар натижаларига қараганда мил. авв. II минг йилликнинг охири-I минг йилликнинг бошлари Ўрта Осиё ҳудудларида мураккаб этник-маданий жараёнлар бўлиб ўтади. Хусусан, жанубий ҳудудлардаги ҳосилдор вохалар ўтроқ дехқончилик аҳолиси томонидан ўзлаштирила бошланган бўлса, шимолий вилоятларда кўчманчи чорвадор кабилалар тарқала бошлайди. Кўчманчи чорвадорлар ва ўтроқ аҳолининг узвий муносабатлари асосида ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар авж олди.

Этногенез жараёни турли халқларнинг аجدодлари тарихидан бошланади. Ўзбек халқи аجدодларининг тарихи жуда катта тарихий даврни ўз ичига олади. Узок тариҳий тараккиёт йўлида аجدодларимиз мураккаб этногенез жараёнларини бошдан кечирганлар. Бу жараёнлар антропологик киёфалар ва бошқа кабилаларнинг аралашиб кетиши, маданий анъаналарнинг кўшилиб янги асосда ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлган.

Ўзбекистон Ўрта Осиёнинг қадимдан ўтроқ дехқончилик маданияти ўчоқлари таркиб топган ҳудудда жойлашган. Диёримиз шу боис археологик ва меъморчилик ёд-горлигига бой. Фарғона водийсининг Селунгур горидан топилган қадимги тош даврига оид топилмалар ва Тешиктошдан топилган ўрта палеолит даврига оид одамзод қолдиқлари, бизнинг юртимиз Африка ва Олд Осиё билан бир қаторда инсоният пайдо бўлган ҳудудлар таркибига кирганлиги ҳозирги кунда узил-кесил исботланди. Шунингдек, мезолит даврига (ўрта тош даври) оид Мачай горидан топилган ёдгорликлар, неолит (янги тош) даврига оид овчилик ва балиқчилик маданиятини ўзида жам қилган Қалтаминор, жанубдаги илк дехқончилик маданиятига оид бўлган Жойтун, Хисор тоғ маданияти, бронза даврига оид бўлган хилма-хил Замонбобо, Сополлитепа, Саразм, Далварзинтепа, Чуст маданиятлари ўлкамизда қадимги аجدодларимиз хўжалигининг жадаллик билан ривожланганлигини исботлайди.

Ўлкамиз қадимги аҳолиси тош ва бронза даврларида қандай ном билан аталганликлари бизга номаълум. Илк бора Ўрта Осиё аҳолиси хусусидаги маълумотлар Шарқ ва антик давр юнон-рим манбаларида тилга олинади. Юнон тарихчиларининг маълумотларига қараганда, Евросиёнинг катта ҳудудларида яшовчи кабилалар умумий «скифлар» номи билан аталади. Юнон тарихчиси Геродот, «бу халқлар қадимийликда мисрликлардан қолишмайди», деб юқори баҳо берган эди. Плиний Ўрта Осиё ҳудудларида 20 га яқин кабилалар борлиги хусусида ўз асарида эслаб ўтади. Ёзма манбаларда скифларнинг иккита йирик қабиласи: саклар ва массагетлар хусусида кўпроқ гап боради. Аҳмоний

миххат ёзувларида саклар учта қисмга бўлиб кўрсатилади (хаумаварка, тиграхауда, тиай-тара-дарайя). Массажетлар хусусида ҳам турлича фикрлар мавжуд бўлиб, улар кўчманчи чорвадор-харбий қабилалар бўлганлиги таъкидланади.

Илк темир давридан бошлаб (мил. авв. IX-VII асрлар) қадимги дехқончилик воҳаларида яшовчи ўтроқ аҳоли ўзлари жойлашган ҳудуд номлари билан атала бошлаганлар. Булар Сўғдиёнадаги-сўғдийлар, қадимги Хоразмдаги-хоразмийлар, қадимги Бактриядаги-бактрийлар, қадимги Чочдаги-чочликлар, Фарғонадаги-парканаalikлар шулар жумласидандир. Бу тарихий номларнинг кўпларини биз илк ёзма манбаларда, хусусан зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да, Ахмоний ҳукмдорларнинг миххат асарларида учратамиз.

Шунингдек, Қозогистон ҳудудларида яшаган чорвадор қабилалар бронза давридаёқ («Андроново маданияти») туркий тилда сўзлашганлар деган асосли фикрлар ҳам мавжуддир. 1969 йили Олмаота яқинидаги Иссыккўргон маконидан топилган ёзув-мил. авв. IV-III асрларга оид бўлиб, ҳозирги кунда илк туркий тили ёзуви деган фикрлар ҳам бор. Бундан хулоса чиқарадиган бўлсак, демакки, мил. авв. IV-III асрлардаёқ Ўрта Осиёнинг шимолий-шарқида туркий тили аҳоли-қабилалар мавжуд бўлиб, уларнинг хоразм, сўғд, бактрия қаби ёзувлари ўша жой аҳолиси ичида ишла-тилган. Еттисувдаги сакларнинг бир қисми ҳам туркий тилда сўзлашган.

Тадқиқотчилар фикрларига таяниб шуни айтиш мумкинки, Ўрта Осиёда қадимданок 2 хил: туркий ва шарқий эроний тилда сўзлашувчи аҳоли мавжуд бўлган. Ўзбек халқининг қадимги аҳолисини ҳудди шу икки бўлак ташкил этган. Мил. авв. II-I асрларда ва эрамининг бошларида эса, узок давом этган этник жараён натижасида ҳозирги замон ўзбек халқига хос бўлган «икки дарё оралиги типи» (Амударё, Сирдарё) даги ирк қишилари Ўрта Осиёнинг катта ҳудудларида яшардилар.

Милоднинг IV асрларига келиб бу тип қишилари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг катта қисмида учрай бошладилар. Эрон ахмонийларининг Ўрта Осиёни босиб олишлари, сўнгра македониялик Искандарнинг харбий юришлари маҳаллий аҳоли этногенезига сезиларли таъсир этмади. Мил. авв. I аср ва эрамининг IV асрига қадар Ўрта Осиёга кўчманчи юечжилар, хионийлар, эфталит қабилаларининг кириб келиши даври бўлди. Ҳудди шу давр янги ер эгаллиги муносабатларининг ҳам шаклланиш даври бўлди. Юқоридаги қабилалар туркий тилдаги қабилалар бўлиб, уларнинг кириб келиши туркийлашув жараёнини янада кучайтирди.